

МЕҲНАТЛАРИ ШАРАФЛИ ШИФОКОРЛАР



Хусусан, бирламчи тиббий-санитария, шошилич тиббий ёрдам, аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий хизматларни ривожлантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, хусусий секторни такомиллаштириш, жаҳон тиббиёти тажрибасини амалиётга жорий этиш мақсадида халқаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, малака кадрлар таъминоти масаласини ҳал қилишнинг муҳим чора-тадбирларига оид қарор ва фармонлар шулар жумласидандир. Уларда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган фаолиятлар самарасида халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончи ортиб бормоқда. Жойларда ўтказилаётган саломатлик ойлари ва улар доирасидаги соғлом турмуш тарзи тарихоти ишлари тиббий маданияти юксалиб, саломатлигига бўлган эътибор ва масъулияти ошмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов таъкидлаганидек, ушбу ислохотларни ўз вақтида амалга ошириш учун зарур бўлган маблагларнинг давлатимиз томонидан ажратилаётганлиги бу халқимиз сало-

(Давоми. Боши 1-бетда).

матлигига бўлган ғамхўрликнинг юксак ифодасидир. Қолаверса, бу келажақ авлод вакиллариининг соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши, халқимиз розилигига эришиш, юртимизнинг энг олис худудларида ҳам аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ва дунёнинг бирор мамлакатига ҳам учрамайдиган оқилона сиёсат самарасидир.

Айтиш муҳимки, бу йилги тадбир тантаналарига тиббиёт соҳасининг барча йўналишлари бўйича "йилнинг энг яхши шифокори"ни аниқлаб берувчи танлов ғолибларни тақдирлаш маросимининг қўшилиб кетгани байрам шукўхига ўзгача кайфият бағишлади. Тадбирда соғлиқни сақлаш тизимидаги узоқ йиллик меҳнати улуғланган профессор-олимлар, фан арбоблари, тиббиёт академикларига алоҳида эҳтиром кўрсатилди.

Мурод ИРИСМЕТОВ,
Республика
ихтисослаштирилган
травматология ва
ортопедия илмий-амалий
тиббиёт маркази бўлими
бошлиғи, "Йилнинг энг яхши
травматолог-ортопеди"
номинацияси
1-ўрин соҳибчи:

– Танловдаги иштироким ва унинг якуний bosқичи соҳа ходимлари, тиббиётимизнинг юксак айёми билан ҳамоҳанг тарз-

да ўтказилаётгани қалбимизга ўзгача фахр туйғусини бағишлади. Байрам арафасида камтарона меҳнатларимизга улкан эътибор қаратилди. Агар соҳада маълум даражада муваффақиятга эришган бўлсам, бу биргина мен эмас, бутун жамоамиз меҳнатининг махсули деб биламан. Аслида шифокор учун энг юксак натижа – инсонлар саломатлигига эришишдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, халқ розилигига эришиш – олий саодатдир. Бугунги эътибор эса вазирамизга янада масъулият билан ёндашиш, тиббиёт тизими таракқиётига ўз хиссамизни қўшишга, олдимизда турган вазифалар ижросига шижоат билан



киришишга ундайди. Билдирилган ишонч ва юксак эътироф учун давлатимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига самимий миннатдорлик билдираман. Бундан кейин ҳам бор билим, салоҳиятим ва фаолиятим давомида ўзлаштирган тажрибамни соҳани янада такомиллаштириш, энг муҳими, халқимиз саломатлигини асрашга йўналтираман.

Фарҳод УСМОНОВ,
Тошкент давлат
стоматология институти
ортопед стоматология
кафедраси ассистенти,
"Йилнинг энг яхши илмий
ходими" номинацияси
2-ўрин соҳибчи:
– Меҳнатларинг эътирофини



да асқотадиган қимматли маслаҳатларини олишга интиланман. Шуни ҳам айтишни истардимки, ҳар қандай ислохот самараси қолмас экан. Хусусан, ўтган давр мобайнида халқимиз орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидлаш зарурки, бугун одамларнинг тиббий саводхонлиги кечагидан кескин фарқ қилади. Бу ҳам бир натижа. Ҳар бир инсон саломатлигига жиддий эътибор қаратиши профилактика ишларини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, тиббимизнинг етук мутафаккири Ибн Сино бобомиз таъкидлаганидек, бемор касалликка қарши шифокор билан баравар курашиши керак. Шундагини кўзланган натижа – саломатликка эришиш осон кечади. Бугунги эътибор ва эътироф учун чин дилдан миннатдорлик билдираман. Барча тиббиёт ходимларига муваффақият тилайман.

Байрам тадбирида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдухакимов иштирок этди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, "Тиббиёт ходимлари кунини" байрами тадбири жорий йилда ҳар қачонгидан ҳам нуфузли даражада ўтказилди. Тадбирнинг бадий қисми ва танлиқли саноат усталарининг чиқиси иштирокчиларга юқори кайфият бағишлади.

Кўрик-танлов

КАСБ МАСЪУЛИЯТИ ВА ЗУККОЛИК НАМОЙИШИ

Кунини кеча Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида "2018 йилнинг энг яхши шошилич тиббий ёрдам ҳамшираси" кўрик танловининг республика bosқичига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази бош директори Абдухаким

Хаджибаев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар, тизимни такомиллаштиришга йўналтирилган изчил чора-тадбирларга эътибор қаратди. Айниқса, ислохотлар жараёни соғлиқни сақлаш тизимининг барча йўналишларини қамраб олаётганлиги, ҳар бир тармоқда, шу билан бирга, шошилич тиббий ёрдам хизматини янада такомиллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилганлиги ва бу ижобий ўзгаришлар самараси давоми бўлишини айтиб ўтди. Шунингдек, тиббиёт ходимларининг машаққатли меҳнати ва бу жараёнда тиббиёт ҳамшираларининг ўрни хусусида сўз юритди. Жумладан, тиббиёт тизимини инсон организмга қиёслаб, шифокорлар ташаббус ва тажрибалари билан бош



вазифасини бажарса, ҳамширалар ишини қон ва юрак соҳаси фаолиятига тенглаштиришини таъкидлади.

Шундан сўнг, ҳакамлар ҳайъати қузатувида иштирокчилар танлов шартларини ба-

жаришга киришди. Айтиш жоизки, тадбирда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон Республикаси,

(Давоми 3-бетда).

Имконият

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ - ФАОЛИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ

Сўнги йилларда мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори тиббиёт тизимида олиб борилаётган туб ислохотлар натижасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Яъни, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш баробарида тиббиёт ходимлари ишлаши учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, айрим тиббиёт муассасалари янгидан қурилиб, мавжудлари қайтадан реконструкция қилиниб, замонавий қиёфа касб этмоқда. Бу борада навбатдаги манзил Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилояти филиали бўлди.

Жорий йилнинг 12 ноябрь кунини шу муносабат билан мазкур тиббиёт муассасасида тадбир ташкил этилди. Патоморфология ва цитобиохимия лаборатория бўлимларини ўз ичига қамраб олган икки қаватли кўркам бинонинг фойдаланишга топширилишига бағишланган маросимда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва

соғлиқни сақлаш тизимига қаратилаётган эътибор ва бунинг натижасида аҳолининг тиббиётга бўлган муносабати ижобий томонга ўзгариб, тиббий хизмат ҳамда соҳа ходимларига ишончи ортиб бораётганини таъкидлади. Шундан сўнг, расмий очилиш маросими ўтказилиб, тадбир иш-тўрқчилари бино имкониятлари билан таништирилди.

вур қилиб бўлмайдими, албатта. Сабаби, диагностика ва даволаш ишларининг сифатини яхшилаш, такомиллаштириш айна шу бўлим фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Тўғри, ҳозирга қадар ҳам муассасамизда ушбу йўналиш мавжуд эди, аммо унга ажратилган бир қаватли бино имкониятларини талаб даражасида деб бўлмас-



татбиқ этиш зарурати туғилди. Президентимизнинг эътибори ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан муассасамизда патоморфология ва цитобиохимия лаборатория бўлимлари қўшилган ҳолда, улар учун замонавий кўринишдаги янги бино қурилиш-реконструкция ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. Умуман олганда, ўтган вақт мобайнида кўпгина бўлимларимиз бинолари янгиланди, шарт-шароитлар тубдан яхшиланди. Мазкур бинонинг иккинчи қаватида клиник-цитобиохимия лабораторияси жойлашган бўлиб, у замонавий қон анализатори, микроскоп, коагулометр ва қондаги гемоглобин ҳамда онкомаркерларни аниқлаш аппаратлари билан жиҳозланди. Бу албатта, ижобий кўрсаткич. Бунинг натижасида беморларга хизмат кўрсатиш кўлами сезиларли даражада ортади.

Дарҳақиқат, фойдаланишга топширилган бино ва унда яратилган шароитлар тармоқ йўналиши ҳамда унда фаолият юритувчи соҳа мутахассислари учун кенг имкониятдир.

– Мамлакатимизда тиббиёт

соҳасига қаратилаётган эътибор самарасига мана шундай ижобий ўзгаришлар орқали гувоҳ бўлялмиш, – дейди патоморфология бўлими мудири **Илёс Турсунов**. – Албатта, бугунга қадар ҳам диспансер таркибида ушбу бўлим фаолият юритган. Лекин ҳона ва иш жиҳозлари етишмовчилиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд эди. Яратилган қулайликлар ва улар билан беморларга келсак, улар сезиларли даражада бўлди. Масалан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида патоморфология бўлимида 2 минг 105 нафар беморда 6 минг 959 та операция, 2 минг 913 нафар беморда 5 минг 703 та биопсия, 855 нафарда 2 минг 83 та консултатив материал таҳлили ўтказилиб, 754 нафар беморда 1 минг 754 та препарат қайта кўриб чиқилган бўлса, эндиги натижалар бундан ҳам салмоқли бўлиши кутилмоқда. Мутахассисларимиз малакаси ва кадрлар таъминоти борасида эса муаммоларимиз йўқ. Шунингдек келиб чиқиб айтиш мумкин, энди фақат ишлашиши керак ва шу мақсадга барча имкониятларимизни сафарбар эта-



зири Алишер Шадманов иштирок этиб, мамлакатимизда тиббиёт тизимининг онкология йўналишида айна пайтга қадар амалга оширилган ишлар ва келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар хусусида сўз юритди. Тадбир давомида Тошкент вилояти ҳокими Фуломжон Ибрагимов сўзга чиқиб, бугунги кунда давлатимиз томонидан

Абдулла АБДУҲАКИМОВ,
Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали директори:

– Онкология соҳасини патоморфология хизматисиз тасав-

ди. Қолаверса, ҳудуд аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизматлар қамровини кенгайтириш, имкониятларни ошириш ва биоматериалларни қисқа фурсатда ва янада аниқ таҳлил қилиш масаласи давр талабига айланди. бундан ташқари, малакали кадрлар етишмаслиги муаммосини ижобий ҳал қилиш, иш жараёнига замонавий амалиётларни

Кўрик-танлов

КАСБ МАСЪУЛИЯТИ ВА ЗУККОЛИК НАМОЙИШИ

Тошкент шаҳри ва Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Хоразм, Бухоро, Сирдарё, Навоий, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоят филиалларида голибликни кўлга киритган 14 нафар ҳамшира ўзаро беллашишди. Кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтган танловда асосий қатнашчилар 4 босқичда, яъни “Саломлашиш – таништирув, блиц, амалий тур ҳамда эркин мавзу” шартлари асосида ўз иқтидор ва салоҳиятларини намойиш этди. Иштирокчиларнинг ҳар бир босқич шартларини бажа-

риши ҳакамлар ҳайъати жамоаси томонидан алоҳида эътибор ва синчковлик билан кузатиб борилиб, адолат мезонлари асосида баҳолаб берилди. Айтиш керакки, мазкур жараёнда ҳар бир ҳолат, ҳар бир кўриниш ҳам ҳакамлар эътиборидан четда қолмади.

Дарҳақиқат, тадбирда таъкидланганидек, шошилинч вазиятларда инсон саломатлигини асраш учун даслаб унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади. Ушбу хизмат турини эса тиббиёт ҳамшираларисиз тасаввур қилиб бўлмайдими. Шу жиҳатдан ҳам улар меҳнатини ҳар қанча эътироф этмайлик ози, албатта. Ниҳоят, шартлар якуни,

тўпланган умумий баллар ҳисоби, ҳакамлар ҳайъати жамоасининг ўзаро муҳокамалари – ҳаяжонли дақиқалар. Унга кўра:

Фахрий биринчи ўринни Тошкент шаҳри иштирокчиси, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг 9 йиллик тажрибага эга шошилинч педиатрия ҳамшираси Зиёда Раҳматуллаева кўлга киритди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро вилояти, Когон шаҳри тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлимининг 10 йиллик меҳнат тажрибасига эга малакали ҳамшираси Насиба Нарзуллаевага иккинчи ўрин насиб этган бўлса, Республика шоши-

линч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона вилояти филиали 1-жарроҳлик бўлими ходимаси, 12 йиллик фаолият тажрибасини тўплаган зукко ҳамшира Нафисахон Абборова учинчи ўрин соҳибасига айланди.

Зиёда РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг шошилинч педиатрия ҳамшираси,
биринчи ўрин соҳибаси:
– Очиги, айна дамдаги ҳаяжонимни сўз билан изоҳлаб беролмайман. Ўзим ҳам кутмаган эдим. Сабаби, қол-

ган қатнашчиларнинг ҳам чиқишлари, иштироки таҳсинга сазовор, албатта. Эришган натижа ва билдирилган ишонч зиммамга қатта масъулият юклайди. Бугунги танлов босқичларининг ҳар бир жараёни келгуси фаолиятимда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида айтиш зарурки, танловнинг республика босқичига етиб келишнинг ўзи бир юксак натижадир. Шундай экан, том маънодаги қолган голиб иштирокчилар ҳам ташкилотчилар назаридан четда қолмади.

(Давоми. Боши 2-бетда).

1,-3-саҳифа материалларини Ҳасан АБДУҒАНИЕВ,
Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.

Эътироф

ШИФОКОРЛИК БУЮК КАСБ, ДАВОЛАШ ЭСА САЪНАТ

Юртбошимиз ташаббуслари билан тиббиёт халққа, элга янада яқин бўлди. Юртимиз порлоқи учун ҳам тиббиёт йилдан йилга ривожлантирилиб, шифокорлар учун чет эллик профессорлар иштирокида маҳорат дарслари ўтказилиб, келатган устуналар билан таъминланмоқда. Айтмоқчиманки, жаҳон талабларига монанд фаолият юритишга ҳаракат қилмоқдамиз. Яна бир муҳим жиҳат, кадрлар тайёрлаш тизими ҳам такомиллаштирилди. Бу борада ҳам тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, тиббиёт олий ўқув юрларида малакали шифокорлар тайёрлаш борасида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Талабалар кўпроқ амалий машғулотларга жалб қилинмоқда. Беморлар билан ишлаш жараёнини ўрганишмоқда. Бунинг баробарида, ҳудудларда аҳолининг тўлиқ патронаж билан қамраб олиш, уларга сифатли тиббий хизмат

кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилди. Республика даволаш-профилактика муассасалари мутахассислари нафақат вилоятлар маркази, балки чекка ҳудудларга бориб, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиб, маҳаллий шифокорларга маҳорат дарслари ўтказиб келишяпти. Бу ҳам халқ манфаатлари учун хизмат қилиши шубҳасиз. Бугунги кунда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча асбоб-ускуналар билан таъминланган. Биз соҳа ходимлари ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, олдимизда турган мақсадларга эришишимиз, яъни аҳоли саломатлигини асрашимиз зарур. Бу каби эзгу фаолиятларда шифокорларга омадлар тилайман.

Фарида БОБОЖОНОВА,
клиниканинг болалар юкумли касалликлари бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди:

– 1984 йилдан буён мазкур бўлимда ишлайман. Айтish жозики, клиникамиз кўптармоқли ҳисобланиб, барча ёшдаги беморлар учун тиббий хизмат

кўрсатилади. Хабарингиз бор, ҳозирги кунда ҳар қачондиган кўра тиббиётга кўпроқ эътибор берилмоқда. Дори-дармон таъминоти, инвестиция дастурлари, замонавий ускуналар борасида ислохотлар амалга оширилмоқда. Клиникамиз кўплаб тиббиёт ривожланган давлатлар билан меморандумлар имзолаган бўлиб, унга кўра, мутахассисларимиз чет элларда бўлиб малака ошириб қайтишмоқда. Масалан, АҚШ, Россия, Украина, Қозоғистон, Хитой каби мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Яқинда икки нафар мутахассисимиз Ирландиядаги конференцияда маъруза қилиб, қайтишди. Ҳозирда яна бир нафар шифокоримиз Исроил давлатида ўтказилиши режалаштирилган халқаро анжуманда иштирок этишга тайёргарлик кўрмоқда. Бундан ташқари, икки нафар мутахассис Японияда икки ҳафталик семинарда қатнашиб, узоқ тажриба алмашиб қайтишди. Кўриб турганингиздек, мамлакатимизда шифокорларнинг касб байрами



кенг нишонланмоқда. Бу албатта, биз соҳа ходимларининг ларимни байрам билан мубомаҳнатига бўлган эътибор ва рақбод этаман.

Хулоса қилиб айтганда, шифокорлар беморни нафақат дори-дармон, балки ширин сўзи билан даволайди. Бунинг учун улардан касб деонтологиясига амал қилиш, мунтазам ўз устида ишлаши талаб этилади. Чунки ҳамма ҳам энгига оқ халат кийиб, тиббиёт ходими бўлишига даъвогарлик қила олмайди. Сабаби, бу касб илҳий, яъни Яратган томонидан инъом этилган маҳоратдир. Зеро, шифокорлик буюк касб, даволаш эса саънат.

(Давоми. Боши 4-бетда).

Матбуот анжумани

АНТИБИОТИКЛАРНИ ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИШ САЛОМАТЛИККА ПУТУР ЕТКАЗАДИ



Умумий экотизим борлиги туфайли, кўп ҳолларда айнан бир хил микроорганизмлар ҳам инсонлар, ҳам ҳайвонларга ҳужум қилмоқда. Бунда ҳайвонлар инсонларда учрайдиган касалликларнинг 60 фоизда манба бўлиб қолмоқда.

Нигора ТАДЖИЕВА,
Республика эпидемиология, микробиология ва юкумли касалликлар илмий-текшириш институти етакчи илмий ходими, тиббиёт фанлари доктори:

– Ҳозирги кунда тиббиётдаги асосий муаммолардан бири бу ан-



2018 йилнинг 12-16 ноябрь кунлари Ўзбекистонда антибиотиклардан тўғри фойдаланиш ҳафталиги бўлиб ўтди. Нафақат мамлакатимизда, балки Европа минтақасида ҳам тўртинчи мартаба ўтказилаётган мазкур ҳафталик жорий йилда “Инсон ва ҳайвонлар соғлиги ҳамда атроф-муҳитни “Умумий саломатлик” концепцияси руҳида қўллаб-қувватлашга бўлган содиқлик” мавзусида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 14 ноябрь куни эса пойтахтимизда мазкур тадбирга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, “Умумий саломатлик” ёндашуvidan фойдаланиш бу инсон ва ҳайвонлар соғлигини сақлаш ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси секторларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини билдиради. Қолаверса, чидамли бактерия, замбуруғ, вирус ва паразитлар чегараларни тан олмаслигини англаш ётади. Демак, муаммони ҳал қилиш учун жамоат соғлигини сақлаш, ветеренария ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш секторлари ўз ҳаракатларини бирлаштиришлари шарт.

Лианне КУППЕНС,
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:

– Хабарингиз бор, нафақат Ўзбекистон, балки бутун Европа минтақасида ҳам анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Антибиотиклардан тўғри фойдаланиш” ҳафталиги инсон, ҳайвон ва табиат саломатлиги қўзлаб амалга оширилаётган фаолиятлар ҳисобланади. Айтиш кераки, антибиотикларга чидамлилик – аҳоли саломатлигига тобора ортиб бораётган

дунё миқёсидаги таҳдид. “Кўплаб дориларга чидамли” бўлган бактериялар келтириб чиқарадиган инфекциялар натижасидаги ўлим ҳолатлари дунё бўйича ҳар йили 700 000 ни ташкил қилади. Европа иттифоқининг ўзида ҳар йили 33 000 нафарга яқин одамлар вафот этади ва ушбу рақам доимий равишда ўсиб бораверади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу глобал муаммага айланиб улгурган. Ҳайвонлар ҳамда инсонларда юкумли касалликларни даволаш учун қўлланиладиган микрообларга қарши препаратларга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва фойдаланиш зарур. Шунини алоҳида таъкидламоқчиманки, мазкур муаммонинг фақат бир секторнинг саъй-ҳаракати билан ҳал қилиш ва ўзгаришларга эришиш мумкин эмас, бунинг учун барча секторлар ҳамда амалга оширилаётган ҳаракатларда бутун жаҳият ва давлатнинг иштирокини таъминлаш зарур. Яъни бу фақатгина Соғлиқни сақлаш вазирлиги шуғулланидиган муаммо эмас, аксинча, барча тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадга мувофиқ, деб ўлайман.

АНТИБИОТИКЛАРДАН ТўҒРИ ФОЙДАЛАНИШ УМУМЖАҲОН ҲАФТАСИ



антибиотикларга чидамлилик ҳисобланмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш кераки, антибиотикларни ҳар хил, нотўғри қўллаш жараёнида уларга бўлган сезувчанлик пайсаб бўлмоқда. Натижада инсонларда микроорганизмлар жуда оғир касалликларга чалиниб, ҳатто бевақт ўлим ҳолатларига сабаб бўлмоқда. ЖССТ томонидан ҳар йили антибиотикларнинг резистентлигига қарши курашиш ҳафталиги мунтазам ўтказиб келинади. Муассасамиз қошида антибиотикларнинг сезувчанлигини ўрганиш маркази ташкил этилган. Унинг асосий фаолияти шундан иборатки, энг кўп тарқалган сезувчанлик ҳолати учрайдиган микро организмларни аниқлаб, уларни камайитиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Кўпинча аҳоли антибиотиклар билан оддий препарат

тўғрисидаги фарқи яхши англа ололмайди. Улар орасида антибиотиклар шифокор рецеттисиз берилмагани, деган савол кўп учрайди. Антибиотиклар фақатгина бактериал инфекциялар жароғида қўлланиладиган дори воситаси ҳисобланади. Айрим ҳолларда вирус чакирган касалликларда аҳоли нотўғри, хасталиқнинг сабабини билмай туриб, антибиотикларни ўз хоҳиши бўйича истеъмол қилади.

Дарҳақиқат, баъзан киши бетоб бўлиб қолганида шифокор маслаҳатини олмай, ўзбошимчалик билан даво муоажаларини бошлаб, турли антибиотикларни қабул қилади. Бу эса касалликни даволамай саломатлигига путур етказиши мумкин. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида аҳоли орасида тарғибот ишларини қунайитириш зарур. Ушбу ҳафталик бу каби мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бу жуда нотўғри. Антибиотикларни рецетт бўйича қабул қилиш керак. Шу боис, ушбу дори воситасини қўллашдан олдин, албатта, мутахассис маслаҳатини олиш керак. Қабул қилиш меъёри, давомийлигига амал қилмайди. Бу эса резистентликнинг ўсиб боришида жуда катта роль ўйнайди. Шу билан бирга, антибиотиклар ҳам инсонлар, ҳам ҳайвонлар учун қўлланиладими, деган савол турғилади. Маълумки, ҳайвонларда ҳам инсонлар каби бактериял қўзғатувчи касалликлар мавжуд. Антибиотиклар фақат касалликларни даволашга йўналтирилган бўлиши шарт. Афсуски, аҳоли касаллиқнинг олдини олиш учун ҳам ишлатилмоқда. Бу борадаги маълумотларни вилоятлардаги мутахассисларга етказиб, малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Мазкур ҳафталик эса ана шу муаммоларнинг ечимини топишда муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Саҳифа материалларини Жоникб МАЪРУПОВ Муаллиф олган суратлар.

